

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖИНОЯТЛАРИ ҲАҚИДАГИ ИШЛАР БЎЙИЧА СУД МУҲОКАМАСИ ТАЙЁРЛОВ ҚИСМИНИНГ АЛОҲИДА ЖИҲАТЛАРИ

Ш.И.Хамраева

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7026975>

**Аннотация.** Мазкур мақола вояга етмаганларнинг жиноятларини суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия вакилининг иштирокига оид алоҳида масалаларга бағишланган. Унда комиссия вакилининг процессуал мақоми ҳамда процесс давомида судланувчининг турмуш ва тарбияланиш шароитларини ўрганишидаги иштирокига оид масалалар ёритилган. Бу тоифадаги ишларни кўришида комиссия вакилининг ўрни ва роли таҳлил қилиниб илмий асослантирилган таклифлар келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** суд муҳокамасининг тайёрлов қисми, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия, турмуш ва тарбияланиш шароитлари, қўшимча процессуал кафолатлар, профилактик чоралар, жазо-тарбиялаш чоралари.

## ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВИТЕЛЬНОЙ ЧАСТИ СУДЕБНОГО РАЗБИРАТЕЛЬСТВА ПО ДЕЛАМ О ПРАВОНАРУШЕНИЯХ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

**Аннотация.** Данная статья посвящена конкретным вопросам, связанным с участием представителя межведомственной комиссии по делам несовершеннолетних в подготовительной части судебного разбирательства по делам несовершеннолетних. Описываются процессуальный статус представителя комиссии и вопросы, связанные с участием в расследовании условий жизни и воспитания подсудимого в ходе судебного разбирательства. Проанализирована позиция и роль представителя комиссии и внесены научно обоснованные предложения при рассмотрении данной категории дел.

**Ключевые слова:** подготовительная часть судебного разбирательства, межведомственная комиссия по делам несовершеннолетних, условия жизни и воспитания, дополнительные процессуальные гарантии, меры пресечения, уголовно-воспитательные меры.

## FEATURES OF THE PREPARATORY PART OF THE TRIAL IN CASES OF JUVENILE DELINQUENCY

**Abstract.** This article is devoted to specific issues related to the participation of a representative of the interdepartmental commission on juvenile affairs in the preparatory part of the juvenile trial. The procedural status of the representative of the commission and issues related to participation in the investigation of the living conditions and upbringing of the defendant during the trial are described. The position and role of the representative of the commission was analyzed and scientifically substantiated proposals were made when considering this category of cases.

**Keywords:** preparatory part of the trial, interdepartmental commission on juvenile affairs, living conditions and education, additional procedural guarantees, preventive measures, criminal and educational measures.

## КИРИШ

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми – жиноят ишига тегишли барча ҳолатларни тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона текшириш учун зарур бўлган шарт-шароит ҳамда қонуний асос яратиш, суд тергови давомида далилларни ҳаққоний текшириш, баҳолаш ишни мазмунан тўғри ҳал қилиш мақсадида суд ва процесснинг барча иштирокчилари томонидан жиноят–процессуал қонунчилиги билан белгиланган тартибда амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндисиدير.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 406-моддасига кўра вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни бўйича суд муҳокамаси жиноят-процессуал қонунчилигининг барча тамойилларига амал қилган ҳолда умумий шартлар асосида ўтказилади. Шунингдек, ушбу қоидалар вояга етмаган судланувчининг ҳуқуқ ва қонуий манфаатларининг кўшимча кафолатловчи алоҳида процессуал қоидалар билан тўлдирилган бўлиб, суд муҳокамасининг ҳар бир босқичида қўлланилиши назарда тутилган.

Шунга кўра, процессуал кўшимча кафолатларни суд муҳокамасининг барча босқичларида қўллаш масаласи муҳим аҳамиятга эга.

## **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Суд мажлиси унинг тайёрлов қисми билан бошланади ва ЖПКнинг 428-438-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Суд мажлисининг тайёрлов қисмида раислик қилувчи уни ўтказиш учун тегишли шарт-шароитлар мавжудлигини текширади. Жумладан, раислик қилувчи суд мажлисида иштироки шарт бўлган шахсларнинг келган-келмаганлигини аниқлай ҳамда процессуал муносабатлар билан боғлиқ бўлган илтимосномаларни ҳал қилади, шунингдек одил судловни ўтказиш учун суд мажлисини ташкил қилиш чораларини кўради.

Чунки, жиноят процессининг кейинги кечиши ва унинг асосий мақсадларига эришилиши суд муҳокамасининг ушбу қисмида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларнинг сифат ва мазмунига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Суд муҳокамаси тайёрлов қисмининг жиноят ишини мазмунан тўғри ҳал қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш мақсадига эришишда раислик қилувчи мавжуд суд таркиби билан ишни муҳокама қилиш имкони борлиги масаласини ҳал қилади ва процесс иштирокчилари(тарафлар, гувоҳлар, эксперт, мутахассис ва бошқалар)нинг судга келган-келмаганлигини текширади. Судга чақирилган процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаган тақдирда суд жиноят ишини муҳокама қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида масалани ҳал қилади. Ҳар бир процесс иштирокчисига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади улар томонидан келтирилган илтимосномалар мазмунан ҳал этилади.

Шунга кўра, айтиш мумкинки, суд мажлисининг тайёрлов босқичида ҳал этилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатларни кетма-кетликда бажармасдан ва тегишли масалаларни ҳал қилмасдан туриб, суд терговини қонун талабларига (ЖПК 52-боб) қатъий риоя қилган ҳолда ўтказиш учун шарт-шароит яратиб бўлмайди.

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисмидаги ҳар бир процессуал ҳаракатлар (ЖПК 428-438-моддалар) қатъий тартибда бажарилади ва суд мажлисининг баённомасида қайд қилинади.

ЖПКнинг 428-моддасига асосан раислик қилувчининг тайинланган вақтда суд мажлисини очиш қандай жиноят иши кўрилишини эълон қилиш билан бошланади. Бунда

раислик қилувчи иш кўрилатган суднинг тўлиқ номини, судланувчининг исми, шарифи ва отасининг исмини, унга нисбатан эълон қилинган ЖК моддасини ва жиноят иши рақамини қайд этиб ўтади.

Шундан сўнг, суд мажлисига чақирилган процесс иштирокчиларининг судга келган-келмаганлигини текширади.

Суд муҳокамасининг ушбу босқичида вояга етмаган судланувчининг қўшимча процессуал кафолатлари ҳам ўз аксини топган.

Бу тоифадаги ишларни кўришда иштирокчиларнинг келган-келмаганлигини аниқланиши уларнинг жиноят процессида вояга етмаган судланувчининг манфаатларини қўшимча равишда ҳимоя қиладиган шахслар (ҳимоячи, қонуний вакиллар) билан белгиланади.

Жиноят-процессуал қонунчилигида вояга етмаган судланувчига нисбатан белгиланган қўшимча кафолатлардан бири ҳисобланган бу тоифадаги ишларни юритишда ҳимоячи иштирокининг шартлилиги (ЖПК 51 ва 550-моддалар) билан бирга қонуний вакил (549-модда) ва педагог(психолог) (121, 554-моддалар)нинг эштирок этиши аниқланади.

Судлар олдида вояга етмаганнинг турмуш ва тарбияланиш шароитларини исботлаш мажбурияти юклатилганлигини инобатга олиб, ЖПК 551-моддасига асосан вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган корхонани, муассасани, ташкилотни, вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни, вакилларини, суд мажлисига чақиришга ҳақли.

Раислик қилувчи суд муҳокамасига таржимон иштирокини ҳал қилганидан (ЖПК 430-модда) сўнг гувоҳларни суд мажлиси залидан чиқариб туриш масаласига ўтади (ЖПК 432-модда).

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўришда, суд ЖПКнинг 0000-моддаси талабига кўра вояга етмаганнинг яшаш ва тарбиялаш шароитларини ўрганиш мақсадида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия вакилини жалб қилади.

Бирок, жиноят-процессуал қонунчилиги ва уни қўллаш амалиётида комиссия вакили қайси тоифадаги иштирокчи сифатида жалб қилиниши, ЖПКнинг 432-моддаси талабига кўра уни суд мажлисидан чиқариб туриш мақсадга мувофиқлиги масаласи баҳлидир.

Ушбу Қарорнинг 4-бандида Суд бу ташкилотнинг вакилини гувоҳ сифатида сўрок қилиш учун суд мажлисига чақиришга ҳақли эканлиги баён қилинган.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги Қарори 13-бандига кўра судлардан вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилиши ва уларни назоратсиз қолдириш ҳолларининг олдини олувчи ҳамда улар ўртасида содир этилатган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга оширувчи орган ҳисобланишига эътибор қаратилиши талаб этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 4-бандига

асосан судлар вояга етмаганлар томонидан содир қилинган жиноятларни кўришда вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг (комиссия) вакилини гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун суд мажлисига чақиради.

Бироқ суд амалиётини ўрганиш натижаларига кўра комиссия вакили суд мажлиси залидан чиқарилмайди, аксинча бутун суд муҳокамаси давомида ундан вояга етмаган судланувчининг тавсифи (характеристикаси) ҳақида сўраб борилади ҳамда судланувчига нисбатан жазо-тарбия чораларини қўллаш ҳақида фикр билдириш имкони берилади.

Шу ўринда, бу тоифадаги жиноят ишларини кўришда комиссия вакилини суд залидан чиқариш лозимлиги ҳақида ҳуқуқни қўллаш амалиётида ва назария ўртасида баҳсли савол туғилади.

1959 йилда қабул қилинган Ўзбекистон СССР ЖПКда комиссия вакилининг суд мажлисида иштирок этиш тартиби кўрсатилган. Ушбу тарихий-ҳуқуқий ҳужжатда вояга етмаганларга нисбатан жиноят ишларини кўришда судларга комиссия вакилини гувоҳ сифатида чақириш ва сўроқ қилиш ваколатли эканлиги шу билан бирга, комиссия вакилининг эса бу тоифадаги ишларни кўриш давомида далилларни текширишда иштирок этишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

ССР Олий Суди Пленумининг 03.12.1976 йилдаги 16-сонли “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ва уларни бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар содир қилишга жалб қилиш ҳақида қонун нормаларининг судлар томонидан қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия вакилини вояга етмаган судланувчига нисбатан суд мажлисининг тарбиявий таъсирини ошириши, ўсмирнинг шахси, унинг хатти-ҳаракатини тавсифловчи маълумотларни, судланувчининг ўқиш, тарбиялаш шароитларини тўла ва ҳар томонлама аниқлаш, судланувчи ҳамда ота-онасининг фикрини судга етказиш, жиноят содир қилиш шарт-шароитларини бартарф қилиш мақсадида суд муҳокамасига жалб қилиниши ҳақида тушунтиришлар берилган. Унга кўра суд муҳокамасининг бу тоифадаги иштирокчисини сўроқ қилиш суд қарорини чиқаришнинг асосларидан бири ҳисобланган.

Шу тарзда комиссия вакилининг процессуал мақоми ва ўрни гувоҳнинг процессуал мақомидан фарқ қилган.

Ҳозирги суд амалиётига кўра, комиссия вакили суд мажлиси давомида иштирок этиб, вояга етмаган судланувчини кенгроқ тавсифлаши, шу сабабли унга нисбатан жазо белгилашда ўз фикрини билдириши лозим. Чунки, комиссия вакили судланувчининг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари ҳақида нисбатан эртароқ хабардор бўлади, унга нисбатан яқка тартибдаги профилактик ишлар олиб борилганлигини кузатиб боради, судланувчи ҳамда унинг атрофидаги шахсларни анча вақт давомида ўрганган бўлади, шунга кўра комиссия вакили танланган жазо турини қўллаш-қўлламаслик билан вояга етмаган судланувчини тарбиявий тузатишга эришиш мумкинлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлади.

Шунингдек, суд муҳокамасида комиссия вакилининг иштирок этиши, унинг ишга оид фикрини инобатга олиниши, судга судланувчига нисбатан жазо турини тўғри танлаш, процессини максимал тарзда индивидуаллаштиришга, шу орқали суднинг вояга етмаганни ресоциализация қилишдан иборат бўлган асосий мақсадига эришиш имконини беради.

## **МУҲОКАМА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги ПҚ 2833-сонли Қарорига илова қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиши бўйича республика идоралараро комиссия тўғрисида”ги Низомга кўра вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган (9-банд).

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлиги учун қонунчиликка асосан жавобгарликдан озод қилинган вояга етмаганларга нисбатан ишларни кўриб чиқишга ваколатли эканлиги кўрсатилган (20-банд). Суднинг бу ҳақидаги қарори вояга етмаган шахсга нисбатан яқка тартибдаги профилактик ишларни ташкил қилиш учун асос ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 13-бандида комиссиялар ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик содир этилиши ва уларни назоратсиз қолдириш ҳолларининг олдини олувчи ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга оширувчи орган ҳисобланиши эътироф этилган.

Демак, комиссия вакилининг процесснинг иштирокчиси сифатида суд муҳокамасида тўлиқ иштирок этиши, вояга етмаган судланувчининг шахсини тўлиқ ўрганиши ва унга нисбатан яқка тартибдаги профилактик ишларни эртароқ бошлаш имконини беради.

Шу ўринда, процессуалист А.Б.Антонованинг ҳам “комиссия вакили вояга етмаган судланувчига нисбатан жазо тайинлаш масаласини ҳал қилишнинг профессионал субъекти бўлмасда, у судланувчини махсус ўқув-тарбия муассасига жойлаштириш (ЖКнинг 88-моддасига асосан)”масаласини ҳал қилишда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мувофиқлаштирувчи шахс сифатида иштирок этиши лозим” лиги ҳақида билдирган фикрлари билан қўшилиш мумкин.

Бу каби фикрлар ҳуқуқшунос Н.А.Николаеванинг бир қатор илмий ишларида ўз аксини топган.

## **ХУЛОСА**

Бинобарин, вояга етмаганларнинг жиноят ишлари бўйича суд муҳокамасининг тайёрлов босқичида ҳам вояга етмаган судланувчига нисбатан процессуал қўшимча кафолатлар назарда тутилган.

ЖПКнинг 60-бобидаги барча нормаларнинг амалиётга қўлланилиши, бу тоифадаги ишларни кўрилишига ўзига хос хусусиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, суд муҳокамасининг вояга етмаган шахсга нисбатан асосий мақсадларини инобатга олиб, комиссия вакилининг суд муҳокамасидаги тўлиқ иштирокини қонунийлаштириш лозим.

Юқоридагиларга кўра, вояга етмаган судланувчига нисбатан суд муҳокамасининг асосий мақсадларига эришиши учун ЖПКнинг 562-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф қилинади:

562-модда. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг ишнинг кўрилишида иштироки

Суд вояга етмаган шахснинг жинояти тўғрисидаги ишни кўриш вакили ва жойи ҳақида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга хабар беради. Комиссия вакиллари гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун суд мажлисига чақирилиши лозим.

Комиссия вояга етмаганларга оид жиноят ишларини суд мажлисида кўришда ва далилларни текширишда тўлиқ иштирок этиш ҳамда илтимосномалар киритишга ҳақли.

Комиссия вакилининг суд муҳокамасининг барча босқичларида процесс иштирокчиси сифатида иштирок этиши, судланувчи вояга етмаганнинг шахсини етарли даражада ўрганиши муқаддам ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатлар содир қилмаган вояга етмаган судланувчига нисбатан профилактик ишларни эртароқ босқичларда ташкил қилиш имконини беради.

## REFERENCES

1. С.Саҳаддинов. “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар”. Мухсус қисм. “Янги аср авлоди”, 2014 й. 186 Б.
2. Норпўлатов Н.Н. Суд муҳокамаси тайёрлов қисмининг назарий ва амалий муаммолари: Юрид.фан.номз.дисс.автореф.-Тошкент:ТДЮИ,2000.-Б.5.
3. Гречаная.И.В.Судебное разбирательство в отношении несовершеннолетних. Диссертация. 2014 й.79 Б.
4. ССР Олий Суди Пленумининг “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ва уларни бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар содир қилишга жалб қилиш ҳақида қонун нормаларининг судлар томонидан қўллаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори. 03.12.1976 йил. 16-сон//<https://base.garant.ru>.
5. Антонова.Л.Б.Комиссия по делам несовершеннолетних и защите их прав: проблемы в реализации полномочий.Вестник Воронежского института МВД России №4/2021.6 С.
6. Николаева.Н.А.Взаимодействие следователя с комиссией по делам несовершеннолетних: новые технологи сбора сведений об обвиняемом.Криминалистика:вчера, сегодня, завтра.2021.№1/17.3 С.